



ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИГА ОИД ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

*Ne'matov Azizbek G'olibjon o'g'li**

Аннотация. Мақолада жиноятларнинг олдини олиш бўйича тергов органларига оид халқаро норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва хорижий давлатларнинг илгор тажрибалари таҳлил қилинган, мамлакатимизда тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилган. Тергов органларининг жиноятларнинг олдини олиши билан боғлиқ соҳа олимларининг фикрлари таҳлил қилинган, мақоланинг хулоса қисмида эса тергов органларига оид хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларининг ижобий томонларини инобатга олинган ҳолда миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш бўйича таклифлар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: БМТ Бош Ассамблеяси, ҳуқук-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар ахлоқ кодекси, жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят одил судлов тўғрисидаги конгресслари, маиший аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликлар, превентив чоралар, тақдимнома, хусусий ажрим жиноятларнинг олдини олиш, жиноят белгилари, жиноят иши, объект, субъект, юридик шахс, мансабдор шахс.

ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН РАБОТЫ СЛЕДСТВЕННЫХ ОРГАНОВ ПО ПРЕДУПРЕЖДЕНИЮ ПРЕСТУПНОСТИ.

Аннотация. В статье анализируются международные нормативно-правовые документы и передовой опыт зарубежных стран в отношении органов следствия по предупреждению преступлений, изучаются нормативно-правовые документы органов следствия в сфере профилактики преступности

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ўқитувчиси. info@akadmvd.uz, azizbek_nematov_696@mail.ru



в нашей стране. Проанализированы мнения ученых отрасли, связанные с предупреждением преступлений следственными органами, а в заключительной части статьи выделены предложения по внедрению в наше национальное законодательство с учетом положительных сторон передового опыта зарубежных стран в отношении следственных органов.

Ключевые слова: Генеральная Ассамблея ООН, Кодекс этики должностных лиц правоохранительных органов, Конгрессы по предупреждению преступности и уголовному правосудию, Преступления внутреннего значения, Меры пресечения, Представление, Частное судебное решение, Предупреждение преступности, Признаки преступления, Уголовное дело, объект, субъект, юридический субъект, должностное лицо.

EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES REGARDING INVESTIGATIVE AUTHORITIES FOR CRIME PREVENTION.

Abstract. *The article analyzes the international normative legal documents and the best practices of foreign countries regarding the investigation bodies for the prevention of crimes, the normative legal documents of the investigation bodies in the field of crime prevention in our country are studied. The opinions of the scientists of the field related to the prevention of crimes by investigative bodies are analyzed, and in the concluding part of the article, proposals for implementation into our national legislation are highlighted, taking into account the positive aspects of the best practices of foreign countries regarding investigative bodies.*

Keywords: *UN General Assembly, Code of Ethics of Law Enforcement Officials, Congresses on Crime Prevention and Criminal Justice, Offenses of Domestic Importance, Preventive Measures, Presentation, Private Judgment, Crime Prevention, Crime Signs, Criminal Case, object, subject, legal entity, official.*

Бирлашган миллатлар ташкилотининг махсус органлари томонидан XXI асрдаги фаолияти давомида муҳофаза қилувчи органларининг жинойтчиликка



қарши кураш борасидаги фаолиятига доир стандартлар бугунги кунга қадар бирмунча такомиллашганлигини кўришимиз мумкин. Хориж мамлакатлари мазкур стандартларни ўз миллий қонунчилигига татбиқ этиш орқали қуйидаги вазибаларни ҳал қилмоқдалар:

- бир қанча ёки барча давлатларга хавф туғдирувчи (трансмиллий, трансчегаравий ҳамда глобал) жиноятларни халқаро характердаги жиноятлар сифатида гуруҳларга бўлиш;

- халқаро тавсифга эга жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича тадбирларни марказлаштириш;

- жиноятлар ва жиноятчилар устидан одил судловни ўрнатиш;

- жазонинг муқаррарлигини таъминлаш;

- жинорий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш¹.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий масъуллиги халқаро стандартларда алоҳида тарзда белгиланган. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеясида 1979 йилда тасдиқланган “Ҳуқуқ-тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахслар ахлоқ кодекси”нинг 8-моддаси 1-бандида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш юзасидан мансабдор шахслар ўзларининг барча имкониятларини фойдаланган ҳолда, жиноятларнинг олдини олишлари ва бундай ҳолатларга хар томонлама тўсқинлик қилишлари лозим”лиги белгиланган².

Халқаро стандартларнинг асосий қисми БМТнинг “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомалада бўлиш тўғрисида”ги Конгрессларда (БМТнинг “Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят одил судлов тўғрисидаги Конгресслари” деб аталади) ишлаб чиқилиб қабул қилинган.

¹ Farrell O., Tseloni A. and Tilley H. The effectiveness of vehicle security devices and their role in the crime drop // Criminology and Criminal Justice. 2011. ii (i). Pp. 21-35.; Воронин Ю.А. Предупреждение преступлений в зарубежных странах // Вестник Челябинского Осударственного университета. 2012. № 27 (281). Право. вью. 32. С. 86-88

² Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка. Принят резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года // https://www.un.org/ru/documents/decl_convconventions/code_of_conduct.shtml. Мурожаат вақти 28.12.2022 йил



Хусусан, бу борада Конгресснинг 2015 йилнинг 12-19-апрель кунлари Қатар пойтахти Доха шаҳрида³ бўлиб ўтган йиғилишида қабул қилинган декларациясида жиноятчиликка қарши курашда жиноятларнинг олдини олиш зарурлигига, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш зарурлигига алоҳида аҳамият берилган. Бу борада декларацияда қайд қилинганидек, “...бугунги кунда жиноятчиликнинг олдини олишда самарали натижаларга эриши учун жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда халқаро стандартларга асосланган равишда кенг кўламли ва инклюзив миллий дастур ва стратегияни қабул қилиш лозим бўлади”.

Фикримизча, халқаро шартномаларнинг талабларини давлатимизнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётига, шу жумладан, суриштирув, дастлабки тергов ҳамда прокуратура органлари томонидан жиноятларнинг олдини олиш фаолиятига татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мавжуд хориж тажрибасини таҳлил қиладиган бўлсак, бир қатор хорижий давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларида жиноятчиликка қарши кураш борасида, энг аввало, жиноятларнинг олдини олиш бўйича ишни самарали ташкил қилишга алоҳида эътибор берилганлигини, хусусан, бу борада маҳаллий давлат ҳокимият органларига алоҳида масъулият юклатилганлигини кўриш мумкин. Бу борада шуни ҳисобга олиш лозимки, кўпгина хорижий давлатларда аксарият тергов органлари маҳаллий ва марказий миқёсда фаолият кўрсатади. Аксарият ҳолларда кўпгина жиноятлар маҳаллий ҳокимият органлари таркибига кирувчи полиция бўлинмалари томонидан олиб борилади.

Бу борада “...англо-саксон тизимига кирувчи давлатларда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни

³ Дохинская декларация о включении вопросов предупреждения преступности и уголовного правосудия в более широкую повестку дня Организации Объединенных Наций в целях решения социальных и экономических проблем и содействия обеспечению верховенства права на национальном и международном уровнях, а также участия общественности. Принят на тринадцатом Конгрессе Организации Объединенных Наций по предупреждению преступности и уголовному правосудию. Доха, 12-19 апреля 2015 года https://www.unodc.org/documents/congress/Declaration/V1504153_Russian.pdf. Мурожаат вақти 29.12.2022 йил



таъминлашга қаратилган фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг хавfli оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган хавфсизлик чораларини кузда тутади”⁴.

Роман-герман тизимига кирувчи давлатларда “...қонунийлик ва ҳуқуқ тартиботни таъминлаш борасидаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти ҳам англо-саксон ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатларники билан ўхшаш бўлиб, шу билан бирга айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга”⁵.

Мазкур давлатларда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасида давлат ҳокимияти органларининг ваколатлари ҳажми ва уларга бу юзасидан ҳуқуқни тақдим этиш шакллари турличадир. Хусусан, бу борада Францияда “...маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасидаги фаолияти ва ваколатлари қонунчиликда аниқ белгиланган бўлиб, уларнинг қонунда белгиланмаган ваколатларни амалга ошириши тақиқланади. Қонунчиликда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатларидан ташқарига чиққан ҳолатларда марказий ҳокимият томонидан уларнинг фаолиятига аралашуви кўзда тугилган”⁶.

Хориж давлатлар ҳокимияти органларининг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш борасидаги фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу борада “...унитар тизимдаги ҳуқуқий давлатларда бу масалалар қонунлар ва ҳуқуқат қарорларида, федератив давлатларда эса, Федерация субъектларининг ўзи томонидан қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб қўйилганлигини кўриш мумкин. Шу билан бирга

⁴ Сморгунова А.Л. Современное состояние преступности в США и Великобритании (обзор основных тенденций) // Известия Российского государственного педагогического университета им. XII. Герцена. 2009. № 87. С. 132-139.

⁵ Tilley H., Farrell O. and Clarke R.V. Target suitability and the crime drop // The Criminal Act. 2015. Pp. 59-76. URL: <https://link.springer.com/chapter/10.1057/9781137391322>

⁶ Структура и функции местных коллективов во Франции // Российско-французская серия. Информационные и учебные материалы № 14. -М.: Французская организация технического сотрудничества, 2003. С. 13-19.



маҳаллий давлат ҳокимияти органларига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи ҳам кенг тақдим этилган”⁷.

Шу билан бирга АҚШ, Канада, Франция, Италия каби давлатларда тергов органларининг жинойтларни олдини олиш билан боғлиқ фаолияти жинойтчиликка қарши кураш борасидаги давлат сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, бу борада ҳуқуқий тарғибот тадбирларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилади.

Ривожланган мамлакатларда шахсларни қонунларга риоя этишларини таъминлаш борасида махсус ҳуқуқий-тарғибот дастурлари амалга оширилмоқда. Бу борада Буюк Британияда ҳуқуқбузарликка мойил бўлган шахслар билан маънавий-ҳуқуқий тарғибот ишларини бўйича тарбиячилик тизими йўлга қўйилган. Бу тизимда “...махсус таълим олган шахслар тегишли дастурлар асосида ҳуқуқбузарликка мойил шахслар билан махсус ўқув-тарбиявий машғулотларни олиб борадилар. Бунда асосан куйидаги усуллардан фойдаланилади:

- мавжуд муаммоларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳал қилиш бўйича тушунтиришлар олиб бориш ва амалий ёрдам бериш;
- индивидуал тарзда суҳбат ўтказиш,
- таълим олиши билан боғлиқ муаммоларга услубий жиҳатдан ёрдам бериш⁸.

Жиноятларнинг олдини олиш борасида хорижий давлатлар қонунчилигини, хусусан, бу борада жинойтчиликка қарши курашга оид жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини қиёсий таҳлил қилиш миллий қонунчиликни такомиллаштириш нуқтаи-назаридан муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Айниқса, ривожланишнинг ҳуқуқий демократик йўлини танлаган бизнинг давлатимиз учун бу борадаги хорижий қонунчилик

⁷ Андреева ИА. Реформирование национальной политики Франции в конце XX начале XXI века // Научный портал МВД России. 2012. № 1. С. 116-123.

⁸ Майоров В.И., Дунаева ОН. Современные концепции взаимодействия полиции и общества как средства противодействия преступности: опыт зарубежных стран // Юридическая наука и правоохранительная практика, 2017. № (39). С. 145-15



ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини қиёсий ўрганиш ҳуқуқшунослар олдида турган муҳим вазифадир.

Бундан ташқари, мазкур давлатларда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тегишли махсус ихтисослашган органлар фаолият кўрсатади. Хусусан, бу борада “...АҚШда озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазо ўтаётган шахсларни шартли равишда озод қилиш бўйича мамлакат Президенти ва штат губернаторлари ҳузурида муддатдан илгари шартли озод қилиш бўйича кенгашлар фаолият кўрсатади”.

Буюк Британияда эса, “маиший аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқбузарликлар” учун 1908 йилдан бошлаб, “превентив чоралар (олдини олиш чоралари)” деб номланадиган қўшимча жазо чоралари қўлланилади”.

Жиноят қонунчилигида жазодан ташқари, тарбиявий-ҳуқуқий таъсир чораларига кўпроқ аҳамият бериш Австрия Республикаси жиноят қонунчилигига ҳам хосдир. Австрия Республикаси Жиноят кодексининг 3-бўлими огоҳлантирувчи чораларга бағишланган бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- руҳий касалликка чалинган ҳуқуқбузарларни номуайян муддатга махсус муассасага жойлаштириш,
- алкоголизм ва наркотик истеъмол қилишга мойил шахсларни 2 йилгача махсус муассасаларга жойлаштириш;
- мол-мулкни мусодара қилиш;
- даромадни ундириш; мансабдан четлаштириш.

Умуман олганда, англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги кирувчи давлатларда жиноятчиликка қарши кураш борасидаги давлат сиёсати узида жиноий жазолар ва жиноятнинг ижтимоий хавфли оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган хавфсизлик чораларини кузда тугади.

Роман-герман ҳуқуқ тизимидаги кирувчи давлатларда жиноятчиликка қарши кураш борасидаги давлат сиёсати ҳам англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги кирувчи давлатлар билан ўхшаш бўлиб, шу билан бирга, айрим ўзига хос хусусиятларга ҳам эга роман-герман ҳуқуқ тизимидаги кирувчи давлатларнинг



жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини ўрганган олимлардан профессор Х.Джешекнинг фикрича, “Роман-герман ҳуқуқ тизимига кирувчи давлатларда жазони тайинлаш жараёни нафақат жазони белгилаш, балки шартли ҳукм, жиноятнинг олдини олиш, тегишли жазоларни рад қилиш, хавфсизлик ва тузатиш чораларини, мазкур жазолар ва таъсир чоралари устидан назоратни, судланувчини муайян касбий фаолият билан шуғулланишини ташкиллашни ўз ичига олади”⁹.

Юқорида келтириб ўтилган хорижий давлатларнинг ўзига хос бўлган илғор тажрибаларини юртимиз конунчилигини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқот давомида тергов органларининг жиноятларни олдини олиш фаолияти билан боғлиқ бир қатор хорижий давлатларнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ўрганилди. Хусусан:

Қирғизистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал кодексининг 19-моддасига биноан “Ишнинг ҳолатларини ўрганишнинг ҳар томонлама, тўлиқлиги ва объективлиги принципига мувофиқ, “Терговчи ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама, тўлиқ ва холис ўрганиш, гумон қилинувчини, айбланувчини айбловчи ва оқловчи, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни аниқлаш учун ушбу Кодексда назарда тутилган барча чораларни кўриши шарт. Суд ишда мавжуд ва тақдим этилган далилларни текширади. Суд терговнинг тўлиқсизлигини бартараф этиш учун ўз ташаббуси билан қўшимча далиллар тўплашга ҳақли эмас. Жиноят ишини кўраётган суд холислик ва холисликни сақлаган ҳолда, айблов ва ҳимоя тарафларига ишнинг ҳолатларини ҳар томонлама ва тўлиқ текшириш бўйича ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни яратади. Жиноят ишини тергов қилиш жараёнида терговчи жиноят содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаши шарт. Бунинг учун асослар мавжуд бўлса, терговчи қарор чиқаради, у билан давлат

⁹ Jeschek H.-H. Lehrbuch des Strafrechts.4 Aufl. S. 777.



органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари эътиборини ишда аниқланган қонун ҳужжатлари бузилганлик фактларига, Жиноят содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шартларга қаратади. жиноят содир этиш ва тегишли чоралар кўришни талаб қилади. Қуйи суд томонидан иш юритиш жараёнида қонун бузилиши ҳолатлари аниқланганда юқори суд томонидан махсус ажрим чиқарилади”¹⁰ деб белгилаган. Бизга маълумки, жиноят процессининг барча принциплари ишнинг барча босқичларида муҳим аҳамиятга эга бўлган тамойил бўлиб, ушбу жараёнда тамойил белгилаган йўлдан оғишмаслик мажбурияти жиноят ишини тергов қилиш жараёнида терговчи жиноят содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаши шартлигини кўрсатади. Қирғизистон Республикасининг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тадқиқ этиш мобайнида шунга амин бўлдики, жиноят содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаши шартлиги принцип даражасига кўтарилган. Ўрганилган 19-моддада жиноят содир этилишига ёрдам берган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш шартлиги фақат терговчи томонидан амалга оширилиши белгиланган.

Қозоғистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал кодексининг 204-моддасида “Терговчи жиноят иши бўйича иш юритишда жиноят содир этилишига сабаб бўлган ҳолатларни аниқлаб, тегишли давлат органларига, ташкилотларга ёки уларда бошқарув функцияларини бажарувчи шахсларга тегишли чоралар кўриш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақли. Мурожаатлар бир ой муддатда кўрилган чоралар тўғрисида мажбурий хабардор қилинган ҳолда кўриб чиқилиши керак”¹¹лиги белгиланган. Бизнингча мазкур нормада бир қатор камчиликлар бор. Масалан Тақдимнома бажарилмаган ёки виждонан бажарилмаган тақдирда бошқарув функцияларини бажарувчи шахслар қонунда назарда тутилган жавобгарликка тортилишлари ёки бошқарув

¹⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. <http://www.azpenalreform.org>. Мурожаат вақти 07.01.2023 йил.

¹¹ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. [https://adilet.zan.kz/rus/docs/ K1400000231](https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231). Мурожаат вақти 07.01.2023 йил.



функцияларини бажарувчи шахсларнинг аниқ бир доираси ёритиб берилмаган. Тадқиқотимиз давомида бизни ўзига тортган мазкур кодекснинг “Жиноят-процессуал принципларининг аҳамияти” деб номланган 9-моддаси бўлиб, унда “Жиноят-процессуал принципларининг аҳамияти шундан иборатки, уларнинг бузилиши ўзининг моҳияти ва аҳамиятига кўра иш бўйича олиб борилаётган иш юритишни ҳақиқий эмас деб топишга, бундай иш юритиш жараёнида қабул қилинган қарорларни бекор қилишга ёки суд қарорларини бекор қилишга олиб келади. Ушбу иш бўйича тўпланган материаллар ҳақиқий эмас деб топилади,” деб қайд этилган. Яъни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал кодексда мазкур тушунча мавжуд эмас. Жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш мажбурияти билан боғлиқ бўлган тушунчаларга эга бўлган принцип кўшимча сифатида киритилса, унда юқоридаги принцип тушунчаси муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Озарбайжон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал кодексининг 221-моддасида “Терговчи дастлабки тергов жараёнида жиноят содир этиш учун зарур шарт-шароитларни яратувчи ҳолатларни (сабаб ва шароитларни) аниқлаши шарт. Бундай ҳолатлар аниқланганда терговчи зарур ҳолларда тегишли юридик шахс ёки мансабдор шахснинг манзилига жиноят содир этиш учун зарур шарт-шароитларни яратувчи ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисида тақдимнома юборади. Терговчининг жиноят содир этиш учун шарт-шароит яратувчи ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўриш тўғрисидаги тақдимномасини кўриб чиқиш мажбурий бўлиб, унинг натижаси бир ой муддатда терговчига ёзма равишда хабар қилиниши керак,”¹²лиги белгиланган. Ушбу моддада ҳам бир қатор камчиликларни кўришимиз мумкин, фикримизча, ушбу моддани тўлдириш лозим. Фақат терговчи томонидан эмас, балки суриштирув органлари томонидан ҳам жиноят

¹² Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. https://continent-online.com/Document/doc_id30420280. Мурожаат вақти 07.01.2023 йил.



содир этиш учун зарур шарт-шароитларни яратувчи ҳолатларни (сабаб ва шароитларни) аниқлаши шартлиги белгиланса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Арманистон Республикасининг амалдаги жиноят-процессуал кодексининг 200-моддасида “Прокурор, терговчи, суриштирув органи дастлабки тергов жараёнида жиноят содир этишга кўмаклашувчи ҳолатларни аниқлаши, зарур ҳолларда эса тегишли юридик ёки мансабдор шахсга чора кўриш тўғрисида ва бу ҳолатларни бартараф этиш учун тақдимнома киритиши шарт. Мурожаатлар мажбурий кўриб чиқилиши керак, натижалари тўғрисида уни юборган орган ёки мансабдор шахсга бир ой муддатда ёзма равишда хабар қилинади,”¹³ деб белгилаб қўйилган. Фикримизча, амалдаги Арманистон Республикаси жиноят-процессуал кодексининг 200-моддасини тўлдириш лозим, яъни тақдимномани бажармаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун юридик ёки мансабдор шахс жавобгарлигини мазкур нормага белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Беларусь Республикаси Жиноят-процессуал кодексига мувофиқ Жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов Беларусь Республикаси Тергов қўмитаси, давлат хавфсизлик органларининг терговчилари томонидан, жиноят ишлари бўйича суриштирувлар ва тергов органлари томонидан амалга оширилади. Беларусь Республикаси Жиноят-протсессуал кодекси 181-моддасида “Дастлабки тергов барча жиноят ишлари бўйича мажбурийдир, ушбу Кодекс 26-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бундан мустасно. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, жиноят содир этилганидан кейин ақли норасо ёки рухий касаллик (норасолик) билан касалланган шахсларнинг ижтимоий хавфли қилмишлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча ҳолларда дастлабки тергов ҳам мажбурий ҳисобланади”¹⁴, деб белгиланган.

¹³ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. <http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1450&lang=rus&sel=show>. Мурожаат вақти 07.01.2023 йил.

¹⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. https://kodeksy-by.com/ugolovno-protsessualnyj_kodeks_rb.htm. Мурожаат вақти 07.01.2023 йил.



Муайян жиноятларнинг содир этилиши сабаби ва шарт-шароитлари бошқа бошқа омиллардан ташкил топади, баъзида келиб чиқиш манбаи ёки содир этилиш жойи бўйича бошқа-бошқа ҳудудларга дахлдор бўлади. Натижада битта жиноят иши бўйича фақат битта эмас, икки ва ундан ортиқ тақдимнома киритилиши мумкинлигини ҳам белгилайди. Бироқ амалиётда деярли барча ҳолатларда битта жиноят иши бўйича фақат битта тақдимнома киритилиб келинаётганлигини кузатиш мумкин. Бу эса жиноятларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш бартараф этишда ҳалигача юзакилик билан ёндашиш мавжудлигини намоён этади.

Бугунги кунда объектив ва субъектив омилларга кўра жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш имконияти чекланганлиги боис, аксарият ҳолларда сабаб ва шароитлар сифатида асосан маҳалла фаоллари томонидан тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилмаганлиги кабилар кўрсатилиб, киритилаётган тақдимномаларнинг “шаблон”, яъни бир хил мазмунга ва қолипга тушиб қолганлигида кўриш мумкин.

Мисол учун, бир қатор ўрганилган жиноят ишлари бўйича содир этилган жиноятларнинг турлари ҳамда сабаб ва шарт-шароитлари турлича бўлишига қарамасдан, уларни бартараф этиш тўғрисида киритилган тақдимномаларда фақатгина ҳодиса тафсилоти, айбланувчиларнинг исм-шарифлари ва тақдимнома юбориладиган орган, корхона, муассаса, ташкилотлар ўзгартирилган холос. Бу масаланинг бир томони холос. Иккинчи томони шундаки, тақдимнома қандай талабларга эга ва қайси қисмлардан иборат бўлиши кераклигига ойдинлик киритилмаган. Бу эса тақдимномаларнинг сифати ва манзилли киритилишга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тақдимноманинг намунавий шакли ва уларга қўйиладиган асосий талабларни ишлаб чиқиш зарурати мавжуд. Тўртинчи томондан жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимноманинг бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ муаммолар.



Бирок мазкур жавобгарлик назарда тутилган амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддаси таҳлил қилинганда, қонун нормасининг таъсир кучи чегараланганлиги кўзга ташланди. Негаки, ушбу норманинг номланиши ва диспозицияси “Ҳуқуқбузарликни содир этиш сабабларини ҳамда уни содир этишга олиб келувчи шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва ички ишлар органларининг ёзма тақдимномаларини бажариш чораларини кўрмаслик” мазмунида шакллантирилган. Бу эса ҳуқуқбузарлик ишлари бўйича сабаб ва шароитларни ўрганиб, бартараф этишга йўналтирилган прокуратура ёки давлат хавфсизлик хизмати терговчилари, прокурорлар, судлар (маъмурий ёки жиноят ишлари бўйича), вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар кабиларнинг ёзма тақдимномаси талаблари бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгарликка тортишни истисно этади. Ваҳоланки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекс ва Жиноят-процессуал кодекс талаблари асосида нафақат ички ишлар органлари, балки бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам ҳуқуқбузарликлар (маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноий)га оид ишлар юритувини амалга ошириш ваколатига, шунингдек ишни кўриб чиқаётган мансабдор шахс сифатида ҳуқуқбузарлик сабаб ва шароитларини аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан тегишли жойларга тақдимномалар киритиш лозимлиги бўйича мажбуриятларга эгадир. Натижада ёзма тақдимнома киритиш ваколатини беришда сунъий равишда шакллантирилган ушбу чегара доирасини қонун асосида кенгайтириш талаби келиб чиқади.

Қолаверса, амалдаги қонунчиликка асосан ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан нафақат тақдимнома, балки суд томонидан хусусий ажрим ҳам чиқарилиши мумкин. Демак, юқорида назарда тутилган чегара фақат ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан ёзма тақдимномани киритиш ваколатига эга субъектлар доираси билан эмас, балки тузиладиган процессуал



хужжатнинг процессуал шакли билан ҳам бевосита боғлиқ эканлиги намоён бўлади. Натижада судларнинг ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритадиган хусусий жарималарни бажариш чораларини кўрмаганлиги учун ҳам жавобгарликни айнан ушбу нормада назарда тутиш мақсадга мувофиқдир. Таклиф этилаётган мазкур амалиётни Украина, Беларусь ва Туркменистон давлатларининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда ҳам кузатиш мумкин.

Шу боис маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноятнинг содир этилишига туртки берган сабаб ва имконият яратган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритилган тақдимнома талабларини бажармаганлик учун жавобгарликни маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноятнинг ижтимоий хавфлиликдан келиб чиққан ҳолда тоифалаштириш ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасини 2 қисмдан иборат тузилишда шакллантириш таклиф этилади. Норманинг икки қисмдан иборат шаклда ривожлантирилганлиги Украина давлатининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигида ҳам учрайди.

Эътиборли томони шундаки, амалиётда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 196-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг келиб чиқишини аксарият ҳолларда тақдимнома ёки хусусий ажрим юборган орган ёки мансабдор шахсга тақдимнома ёки хусусий ажрим келиб тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ёзма равишда жавоб хатини юбориши лозимлиги билан боғлаб тушунилганлиги кузатилади. Баъзида тақдимнома киритилган корхона, муассаса, ташкилот, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг амалдаги ҳуқуқбузарлик сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан айтарли ҳеч қандай чора-тадбирни амалга оширмаса-да, тақдимнома ёки хусусий ажрим юборган орган ёки мансабдор шахсга жавоб хати юбориш билан кифояланаётганлигини кузатиш мумкин. Натижада тақдимнома ёки хусусий ажрим талабларини бажариш масаласига юзаки ёндашиш келиб чиқмоқда.



Юқоридагилардан кўриниб турибдики, айти пайтда назарияда, амалиётда ва миллий қонунчиликда жинойтлар содир этилиши сабаблари ҳамда унга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақдимнома (хусусий ажрим)нинг мазмуни ва моҳияти, қўллаш асослари ва тартиби, уларнинг бажарилишини таъминлаш механизми билан боғлиқ бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Бу эса, бугунги кунда жинойтларнинг олдини олиш соҳасида зарурий чора-тадбирлар етарлича амалга оширилмаяпти ва самарадорлиги таъминланмаяпти, деган хулосага келишга асос яратади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Farrell O., Tseloni A. and Tilley H. The effectiveness of vehicle security devices and their role in the crime drop // *Criminology and Criminal Justice*. 2011. ii (i). Pp. 21-35.; Воронин Ю.А. Предупреждение преступлений в зарубежных странах // *Вестник Челябинского Государственного университета*. 2012. № 27 (281). Право. вью. 32. С. 86-88
2. Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка. Принят резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи ООН от 17 декабря 1979 года \\ https://www.un.org/ru/documents/decl_convconventions/code_of_conduct.shtml. Мурожаат вақти 28.12.2022 йил
3. Дохинская декларация о включении вопросов предупреждения преступности и уголовного правосудия в более широкую повестку дня Организации Объединенных Наций в целях решения социальных и экономических проблем и содействия обеспечению верховенства права на национальном и международном уровнях, а также участием общественности. Принят на тринадцатом Конгрессе Организации Объединенных Наций по предупреждению преступности и уголовному правосудию. Доха, 12-19 апреля 2015 года https://www.unodc.org/documents/congress/Declaration/V1504153_Russian.pdf. Мурожаат вақти 29.12.2022 йил
4. Неъматов А. и др. ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ЖИНОЯТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШИ ЮЗАСИДАН ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ



//Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities. – 2024. – Т. 3. – №. 5. – С. 215-223.

5. Tilley H., Farrell O. and Clarke R.V. Target suitability and the crime drop // The Criminal Act. 2015. Pp.

59-76. URL: <https://link.springer.com/chapter/10.1057/9781137391322>

6. Структура и функции местных коллективов во Франции // Российско-французская серия. Информационные и учебные материалы № 14. -М.: Французская организация технического сотрудничества, 2003. С. 13-19.

7. Андреева ИА. Реформирование национальной политики Франции в конце XX начале XXI века // Научный портал МВД России. 2012. № 1. С. 116-123.

8. Майоров В.И., Дунаева ОН. Современные концепции взаимодействия полиции и общества как средства противодействия преступности: опыт зарубежных стран // Юридическая наука и правоохранительная практика, 2017. № (39). С. 145-15

9. Jeschek H.-H. Lehrbuch des Strafrechts.4 Aufl. S. 777.

10. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики. <http://www.azpenalreform.org>. Мурожаат вақти 07.01.2023 йил.

11. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан. [https://adilet.zan.kz/rus/docs/ K1400000231](https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000231). Мурожаат вақти 07.01.2023 йил.

12. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. https://continent-online.com/ Document/doc_id30420280. Мурожаат вақти 07.01.2023 йил.

13. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Армения. <http://www.parliament.am/ legislation.php ID=1450&lang=rus&sel=show>. Мурожаат вақти 07.01.2023 йил.

14. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь. https://kodeksy-by.com/ugolovno-protsessualnyj_kodeks_rb.htm. Мурожаат вақти 07.01.2023 йил.